Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 158-ҳадис

158 - [illegible] 6704].

1. 158. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилиб турган эдилар. Қарасалар, бир киши тик турибди. У ҳақда сўраган эдилар, «У Абу Исроил, «Тик тураман, ўтирмайман, сояланмайман, гапирмайман ва рўза тутаман», деб назр қилган», дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Унга буюр, гапираверсин, соялансин, ўтирсин, рўзасини эса охирига етказсин»**, дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz